



Бобур Ҳиндистонда бино эттирган биринчи кутубхона. Дехли.
Library built by Babur in India. Dehli.
Библиотека, построенная Бабуром в Индии. Дели.

Мирзо Мұхаммад Ҳайдар Қобулда Бобур даргоҳида
үтгап дамларини шундай хотиралайды:

«Шу тарзда мен күп муддатларни Қобулда подиоҳ

Бобурнинг мулоғиматида фарогат ва осойишталиқда

үтказдим. У доимо яхши муюмала ва очик қўнгиллик

ҳамда қатъийлик ва талабчанлик билан мени илмлар

касб этишига ундарди. Агар андак илм эгаллаганимни

пайқаса, менга нисбатан ўз илтифотини яна ҳам

зиёдероқ этишига интилар ва бу ҳақда барчага гапириб,

таҳсин айтишини талаб қиласарди. Ўша муддат

давомида у менга нисбатан шу қадар меҳр-шафқат

билан муносабатда бўлдик, фақат мушфиқ ва

мерхибон ота-оналаргина ўз фарзандларига шуни раво

кўрадилар».

Заҳирииддин Мұхаммад Бобур ҳам Мирзо

Ҳайдарнинг қобилият ва истеъододига юксак баҳо

бериб, «Бобурнома»да шундай ёзди: «Ҳат ва тасвир,

ўқ ва пайкон ва зеҳгир – ҳар нимага илиги часпондур.

Менга арзадошли келиб эди, иниоси ҳам ёмон эмас».

БОБУРНИНГ МУНОСИБ

ДАВОМЧИСИ

Гулом Карим

Заҳирииддин Мұхаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари Шарқ тарихий-адабий манбалари орасида олий ўринга эга. Кўпчилик тадқиқотчилар Шарқ хотиронома адабиётидаги унга тенг келадиган бошқа бирор асар мавжуд эмаслигини ҳақли равишда эътироф этадилар. Шу билан бирга, «Бобурнома» яратилган даврдаёқ унга таклид килиб, эргашиб ва таяниб бир қанча асарлар ёзилган. Бобурнинг ўз бўласи, яъни холасининг ўғли Мирзо Мұхаммад Ҳайдар яратган қўмматли «Тарихи Рашидий» асари шулар жумласидандир.

Мирзо Мұхаммад Ҳайдар 1500 йилда Марказий Осиёнинг қадимий шаҳарларидан бўлмиш Тошкентда таваллуд топган. Унинг отаси Мұхаммад Ҳусайн Кўрагон дуғлот қабиласига мансуб нуғузли амирлар хонадонидан бўлиб, Ўратепа ҳокими эди. Онаси Хуб Нигорхоним эса Тошкент хони Султон Махмудхоннинг синглиси, шунингдек, Заҳирииддин Мұхаммад Бобурнинг онаси Кутлуг ойим билан опа-сингил бўлган. Шайбонийхон Мовароонхарга бостириб киргач, Мұхаммад Ҳусайн Ўратепадан маҳрум бўлиб, онадан ёш етим қолган ёлғиз ўғли билан бир неча йил турли ўлкаларда сарсон бўлиб юради. Шундай оғир дамларда ҳам Мұхаммад Ҳусайн доимо ўғлининг келажаги ҳақида кайғуради. У қаेрга бормасин, ўша жойининг улуг одамларидан ўғлига фотиха бериб, баҳт-саодат тилашларини сўрайди. Бу воқеалардан бирини Мирзо Ҳайдар тарихий асарида шундай хотиралайди: «Отам Хурросонга борганидан сўнг бир неча кун ўтга, болаларни тўрт ёшту тўрт ой ва тўрт кун тўлгач, мактабга бериш қоида бўлгандигидан каминани ҳам мактабга элтиб бермокка карор қилди. Аммо олдин фотиха олиш учун Амир Темур замонисидаги олимлар устози Мавлоно Сайдуддин Тафтазанийнинг набираси ва ўзи ҳам Хурросоннинг энг улуг ва энг илмли кишиси бўйлан Шайхулислом олдига олиб борди. Шайх мени шафқату меҳр билан эркалатиб, тиззасига кўйди ва

бениҳоят мулойимлик ва очик чехралик билан насиҳатлар қилди».

Ўн ёшида отасидан ҳам ажраб қолган Мирзо Ҳайдарнинг мустакил ҳаёти foят эрта бошланади. У жуда зийрак, фаҳм-фаросатли, турли ҳунар ва юмушларга кўли эпчил, меҳнатсевар, тиришқоқ ва илмга беҳад ташна эди. Тақдир шамоли Мирзо Ҳайдарни каерга элтасин, у илму ҳунар ўрганиш учун ўзига устоз излайди. Бу жиҳатдан унга омақ кулиб боқади. Улуғ қариндоши Заҳирииддин Мұхаммад Бобур, накшбандийя сулукининг ирик намояндаси, «Силсилат ул-орифин» асари муаллифи Мавлоно Мұхаммад Қози ва ўша даврнинг яна бир қанча улуг сиймолари унга устозлик килишади. Бу холат Мирзо Ҳайдарнинг ўз замонасига нисбатан юксак даражада маълумот олишини таъминлайди.

1514 йилда тогаваччаси Султон Сайдхон Кошғарда ҳокимиятни кўлга киритгач, Мирзо Ҳайдар Бобурнинг ижозати билан унинг ҳузурига бориб, хизматига киради ва шу тариқа унинг саркарда ва давлат арбоби сифатидаги ҳарбий ва сиёсий фаолияти бошланади. Йиллар давомида Сайдхоннинг энг якин, эътиборли ва садоқатли атёнларидан бирига айланади. У Сайдхон буйруғига биноан Бадахшон, Тибет ва Кашмир каби ўлкаларга килинган ҳарбий юришларни бошқаради.

1533 йилда Султон Сайдхон вафот этгача, унинг ўғли Абдурашидхон таҳтга ўтиради. Дуғлот амирларига хонадонига ёмон кўз билан қарайдиган бу ҳукмдорнинг буйруғига кўра Мирзо Ҳайдарнинг кекса амакиси ва яна бир қанча дуғлотbekлari кати килинади. Шу воқеалар сабаби Мирзо Ҳайдар Кошғарни тарқ этиб, яна Ҳиндистонга – бобурийлар ҳузурига боради. У 1541 йилда бобурийлар номидан Кашмирни забт этиб, ўн йил мобайнида шу ўлкани деярли мустакил идора қиласади. Мирзо Ҳайдар 1551 йилда номаълум кишилар томонидан уюштирилган сунқасидаги жалол бўлади.

Форс тилида битилган «Тарихи Рашидий» асари ва туркий тилдаги шеърий девон ҳамда «Жаҳоннома», «Махмуднома» каби назмий достонлар Мирзо Ҳайдардан авлодларга қолган муносаби меросидир. «Тарихи Рашидий» асари икки жилд (дағтардан) иборат бўлиб, Кашмирда ёзib тутатилган. Муаллиф эътироф этишича, асар «Тарихи Рашидий» деб номланишининг сабабларидан бири унинг Абдурашидхонга бағишлаб битилганлигидир. Гарчанд бу ҳукмдор билан муносабатлари кўнгилдагидек



1993 йил 7-8 декабрь Аттиқ Ҳайдар Қобул ҳунонгундаги шоир давлатида 10 миннитига таъсирланган танталар бўйича сабабларидан бири унинг Абдурашидхонга бағишлаб битилганлигидир. Сабабларидан бири унинг Абдурашидхонга бағишлаб битилганлигидир. Гарчанд бу ҳукмдор билан муносабатлари кўнгилдагидек

бўлмаган эса-да, Мирзо Ҳайдар Султон Саидхондан кўрган яхшиликлари эвазига ўз тарихий китобини унинг ўғлига бағишлишини айтади.


Асарнинг биринчи жилди Шаркий Туркистон ўлкасининг Соҳибиён Амир Темур давридан то муаллиф замонасига қадар бўлган қарий иккى юз йиллик тарихини анча муфассал камраб олган. Иккичи жилд эса муаллифнинг воеа-ходисаларга бой жўшқин хаёти давомида кўрган-кечиргандарининг жонли ва таъсирли баёнидан иборат. Мирзо Ҳайдар эсадаликларида ўша давр сиёсий-ижтимоий тарихидан ташқари маданий-мъальнивий хаётга доир маълумотлар хам бисёр. У ўз замонасида жуда кўп тасаввуф шайхлари, олимлар, шоирлар ва санъаткорлар билан мулоқот килип, баззиларига шогирд бўлганинидан, ўз асарида уларнинг хаёти ва ижодига оид фоят муҳим маълумотлар келтириди.

Бу жиҳатдан китобнинг Ҳусайн Бойқаро давридаги Хуросон маданий хаётига бағишлиланган маҳсус боби айникса диккатта сазовордир. Унда келтирилган кўплаб муҳим ва кизиқарли мисоллар Бобур ва Ҳондамир каби муаррихларнинг айни мавзуга бағишлиланган маълумотларини ҳар жиҳатдан тўлдиради ва бойитади. Шуниси диккатта сазоворки, Ҳондамир ва Бобур каби Мирзо Ҳайдар хам ушбу давр маданий хаёти марказида улуг Алишер Навоий сиймоси турганлигини, жуда кўп фозил одамлар Навоийнинг гамхўрлиги ва хоммийлиги туфайли ўзлари танлаган соҳаларда устодлик даражасига эришганликларини таъкидлаб ўтади.

«Тарихи Рашидий» асари яратилганидан бери турли мамлакатлар олимларини доимий равишда кизиқтириб келади. Ушбу мўътабар асарни ўзининг бир катор илмий тадқиқотларига жалб қилган В.В.Бартольд унгга қўйидагича баҳо берган: «Мирзо Ҳайдарнинг асари кўп холларда унинг холавачаси Бобурнинг ёдномаларини эслатади. Унинг эсадаликлари худди Бобурнидек ҳаққонийлиги ва холислиги билан кўзга ташланади, жуғрофий тавсифлар эса жойларни аниқ ва равшан тасвирлайди».

Асар кўплаб тилларга таржима килинган. Жумладан, XIX асрда Денисон Росс томонидан инглиз тилига ўтирилиб, 1895 йилда илк бор ва 1972 йилда кайта чоп килинган. 1985 йилда асар хитой тилида нашар этилган. Америкалик шарқшунос олим В.М.Такстон 1996 йили Ҳарвард университетида наширетида «Тарихи Рашидий» асарини иккى жилдда (биринчиси – форсий матн ва иккинчиси – инглизча таржима) чоп этирди. Худди шу йили Мирзо Ҳайдарнинг она шахри Тошкентда унинг асари рус тилида (А.Ўринбоев, Р. Жалилов ва Л.Епифановалар таржимасида) нашар этилди. «Тарихи Рашидий» асари ўтган асрларда туркӣ тилга бир неча бор таржима килинган бўлса-да, бутунги ўзбек китобхонига таниш эмас. Унинг XIX аср биринчи ярмида Ҳожа Муҳаммад Шариф томонидан амалга оширилган туркӣ таржимаси тарих фанлари номзоди О.Жалилов томонидан нашрага тайёрлаб кўйилган.

Кўйида улуг аждодларимиздан бўлган Мирзо Муҳаммад Ҳайдар қаламига мансуб «Тарихи Рашидий» асаридан буюк ўзбек шоир Алишер Навоий ва унга замондош бўлган бошқа баъзи мўътабар сиймолар ҳақидаги айrim терма маълумотларни келтирамиз. Таржима Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сакланаётган форс тилидаги нодир кўллэзма нусхадан амалга оширилди.



ДОСТОЙНЫЙ ПОСЛЕДОВАТЕЛЬ БАБУРА

Среди литературных памятников Востока “Бабурнаме” Захиридина Мухаммада Бабура считается непревзойденным шедевром мемуарной литературы. Еще при жизни Бабура появились последователи этого жанра, среди которых был и Мирзо Муҳаммад Ҳайдар – двоюродный брат Бабура, автор “Истории Рашидий”.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар родился в древнем Ташкенте в 1500 году, в семье эмира Уратепы Мухаммада Ҳусайн Курагана. После захвата Моварауннахра Шайбанихоном, Мухаммад Ҳусайн лишился Уратепы, и был вынужден скитаться несколько лет. Мухаммад Ҳайдар очень рано остался и без матери. В возрасте десяти лет Мухаммад Ҳайдар начал самостоятельную жизнь. Он воспитывался во дворце Бабура в Кабуле, его учителями были лучшие учёные того времени, такие как представитель тариката – суфизма, учёный-богослов Мавлоно Мухаммад Қози, всесторонне просвещенный монарх Бабур, который в “Бабурнаме” высоко отзывался о способностях Мирзо Ҳайдара. Мухаммад Ҳайдар в своей книге с благодарностью вспоминает годы жизни во дворце Бабура и отеческую заботу правителя, при покровительстве которого он получил блестящее образование.

В 1514 году его дядя Султан Саидхан завоевал Кашигар, и Мирзо Ҳайдар с позволения Бабура отправляется к нему на службу в качестве полководца и государственного деятеля. Как самый близкий и верный военачальник, он служит Саидхану много лет, возглавляет военные походы на Бадахшан, Тибет и Кашмир.

После смерти Султана Саидхана в 1533 году власть перешла к его сыну Абдурашидхану, который не благоволил к роду Мирзо Ҳайдара. Поэтому он покидает Кашигар и отправляется обратно в Индию – к бабуридам. В 1541 году от имени бабуридов он покоряет Кашмир и в течение десяти лет самостоятельно правит этим краем. В 1551 году он был убит неизвестными лицами.

Мирзо Ҳайдар, помимо “Истории Рашидий”, написанной на фарси, является автором сборника стихов на тюркском языке, поэм “Джаханнаме” и “Махмуднаме”. “История Рашидий” в двух томах (тетрадях) написана в Кашмире и посвящена Абдурашидхану, хотя отношения между ними не были близкими. Мирзо Ҳайдар в благодарность Султану Саидхану посвящает свою историческую книгу его сыну.

Первый том включает в себя двухсотлетнюю историю Восточного Туркестана, начиная со времен Амира Темура до периода жизни автора. Второй том отражает яркую и полную событий жизнь автора. В книге, помимо общественно-политических, много сведений о культурно-нравственной жизни общества, интересных фактов из жизни и творчества великих писателей, художников, мыслителей, о богословах, с которыми был дружен автор.

MERIT FOLLOWER OF BABUR

Among literary memorials of the Orient the “Baburname” of Zahiriddin Muhammad Babur is considered to be unsurpassed masterpiece of memoirs. Even when Babur was alive there were followers of this genre among whom was Mirzo Muhammad Haydar, Babur’s cousin and the author of the “History of Rashidi”.

Mirzo Muhammad Haydar was born in the ancient Tashkent in 1500, to the family of Uratube Emir, Muhammad Huseyn Kuragan. After the invasion into the Mavaraunnahr by Sheybanian, Muhammad Huseyn lost the Uratube and was forced to wander for several years. Muhammad Haydar also lost his mother very early. In the age of ten Muhammad Haydar started self-dependent life. He was brought up in Babur’s palace in Kabul, his tutors were best scholars of the time, like tarikat-sufism representative, theologian scholar Mavlono Muhammad Kozi, educated monarch Babur, who spoke highly of Mirzo Haydar’s talents in the “Baburname”. Muhammad Haydar in his book reminds with gratitude the years he spent in Babur’s palace and fatherly concern of the sovereign, under the protection of whom he had obtained an excellent education.

In 1514 his uncle Sultan Saidhan conquered Kashgar, and Mirzo Haydar with the permission of Babur goes to serve for him as a military leader and statesman. As the most close and faithful military leader he served for Saidhan for many years, leading campaigns to Badahshan, Tibet and Kashmir.

After Sultan Saidhan’s death in 1533 his son Abdurashidhan who wasn’t kind to Mirzo Haydar came to the rule, he leaved Kashgar for India and Baburids. In 1541 with the name of Baburids he conquered Kashmir and rules the country for ten years independently. In 1551 he was killed.

Mirzo Haydar, who is the author of “History of Rashidi” written in Persian, is also the author of verses collection written in Turkic, “Djahanname” and “Mahmudname” poems. “History of Rashidi” in two volumes (parts) was written in Kashmir and devoted to Abdurashidhan, although they were not close. Mirzo Haydar showing his gratitude to Sultan Saidhan devoted his poem to his son.

The first volume includes two-hundred-year history of Eastern Turkestan, starting from the times of Amir Timur till the author’s life period. The second volume reflects bright and full of events author’s life. There is a lot of information on social, political, cultural and moral life of the society in the book, many interesting facts from the life of outstanding writers, painters, philosophers, theologians, who were the author’s friends.

The chapter devoted to the cultural life of Hurasan during the reign of Husein Baykara and his famous vesir and poet Alisher Navoi is of a

Мирзо Мұхаммад Хайдар

Тарихи Рашидий

Мир Алишер зикри

Унинг таҳаллуси Навоидир. Туркий шеърни ундан олдин ва ундан кейин, ундан кўпроқ ёки у айтган миқдорда ҳеч ким айтмагандир. Бу фанда у устоздир ва унинг туркий шеърлари шуҳратига тенгdir. Аммо унинг форсий шеърлари ҳам кўп бўлиб, форсийда «Фоний» таҳаллусини олган. У Хожа Ҳофиз Шерозийнинг девонига жавоб айтган ва Хожа Ҳусравнинг «Баҳрул аброр» қасидасига ҳеч ким унинг дараҷасида жавоб айта олмаган. У қасида (Алишер Навоининг Ҳусрав Дехлавий қасидасига жавоб тариқасида ёзган «Тұхфатул афкор» қасидаси)нинг матлаи будур:

Оташин лаълеки, тожи хисравонро зевар аст,
Ахгаре баҳри хаёли ҳом пухтан дар сар аст.
(Подшоҳлар тожини безовчи ёлқинли лаъл,
Бошдаги ҳом ҳаёлни пишириш учун чўғидир).

Мир Алишер болалик пайтида Мирзо Султон Ҳусайн билан дўстлашган. Мирзо подшоҳ бўлгач, унинг мулизиматига келди ва Мирзо унга беҳад эътиборда бўлди. Мир эса фазлу ҳунар ахлига нисбатан шунчалик эътибор кўрсатди. Чунонч, ўша замонда ҳалқнинг турли табакаларидан пайдо бўлган фозил ва беназир одамларнинг аксари унинг сайды-ҳаракатлари туфайли етишиб чиққан эди.

... Отасини Кичкина бахши дейишар ва расмий вазифа эгаси эди. Мир Алишер амирлиги замонида тиришқоқлик кўргузди. Молу мулки шу дараҷага етди, унинг мулкларининг ҳар кунги даромади ўн саккиз минг шоҳрухий эди. Мир Алишер имкон бўлгани қадар ўзига мурожаат қилинадиган одамларнинг арзларини тинглаб, ҳожатларини раво айлади ва фазлу ҳунар ахлини тарбият қилишида давом этди. Ўз мулкларидан келган даромаднинг барчасини охират учун хайрли ишларга сарфлади. Масжиду хонақоҳлар ва бошқа саноқсиз иморатлар курдирдики, бу замонда ҳам Ҳуросонда улардан кўплари сакланниб қолган. Камдан-кам одамга бунчалик кўп иморат бунёд этмоқ мусяссар бўлган бўлса керак. Унинг мураббийлигидан баҳраманд бўлмаган бирон фозил одам йўқ эди. У ўткир ақл эгаси ва юксак муомалали одам бўлиб, бошқалар ҳам ўзларидан шундок ўткир ақл ва юксак муомала зоҳир этишларини хоҳлар, аммо бу нарса одамларга мушкул бўлгани учун ранжиш ҳоллари юз бериб турарди. Мир Алишердан нозик таъблик ва тез хафа бўлишдан ташқари бошқа бирон нуксон тополмасдилар. Фозил ва давлатманд одам бўлса-да, бутун азиз умрини қаноатда ўтказиб, хайрли ишларга машғул бўлди.

Особый интерес представляет глава, посвященная культурной жизни Хурасана времен правителя Ҳусайна Байкары и его знаменитого везира – поэта Алишера Навои. Как и другие историки того времени, Мухаммад Хайдар отмечает, что в центре культурной жизни Хурасана был Навои, покровительствовавший многим талантам в сфере науки, искусства и литературы. Мухаммад Хайдар высоко ценил не только литературную деятельность Навои, но и его благотворительность.

Мухаммад Хайдар пишет об известном каллиграфе Султанали Машҳади, который переписал огромное количество книг. Из художников он приводит интересные сведения о Камолидине Бехзоде, Шах Музаффаре, Бабе Ҳаджи, Ходже Абдулхае, Мавлоно Мираке, которые покорили мир своими прекрасными графическими произведениями.

В книге также говорится об искусстве певцов – Ҳафизе Басире, Ҳафизе Ҳусанали, при пении которых замолкали даже птицы; о музыкантах Сайид Мухаммад Гиджаки, Мазхар Уди, Кулмуҳаммаде, Шайх Нои, мастерству которых не было равных.

Процветанию всех видов искусств в Хурасане способствовал Алишер Навои, поддерживавший талантливых людей не только морально, но и материально, создавал все условия для их плодотворного творчества.

“История Рашиди” высоко оценена учеными всего мира. В.В. Бартольд писал: “Произведение Мирзо Хайдара во многих случаях напоминает исторические записи его двоюродного брата Бабура. Они также правдивы и объективны, как воспоминания Бабура, географические же описания живо и ясно изображают местность”.

Произведение Мирзо Хайдара Мухаммада переведено на многие языки. В XIX веке его перевел на английский язык Денисон Росс, впервые издав в 1895 году, а переиздание было осуществлено в 1972 г. В 1985 г. оно было издано на китайском языке. В 1996 г. американский востоковед В.М.Таксон в издательстве Харвардского университета выпустил “Историю Рашиди” в двух томах (один на фарси, другой – на английском). В этом же году в родном городе Мирзо Хайдара – Ташкенте его произведение было переведено на русский язык А.Уринбаевым, Р.Джалиловым и Л.Епифановой. В настоящее время подготовлен к изданию перевод на тюркский язык, осуществленный в XIX в. Ходжа Мухаммад Шарифом.

Оригинал произведения на фарси хранится в фондах Института Востоковедения имени Абу Райхана Беруни.

Мавлоно Султонали Машҳадий зикри

Қитъа ва мактублар битишида, ҳатни ҳоҳ йирик, ҳоҳ майды килиб ёзишда, балки насх ва таълиқ ҳатларида ҳам Мавлоно Султонали Машҳадийга яккакаламлик мусаллам бўлиб, ҳеч ким ундан олдин ва ундан кейин ҳам унга яқинлашишга доди муваффақ бўломайди. Ҳатнинг барча сифатлари ва нозикларида у беназир эди. У ҳат қоидлари ҳақида бир рисола ҳам ёзган.

Мавлоно Султонали Машҳадий ўз фаолияти бошларида ҳатга ўзича алоҳида бир тус бериб битар ва бу одамларга ёқар эди. Лекин ҳали уни зўр ҳаттот деб ётироф этишмаганди.

Мавлоно Жаъфар «Хамса» кўчириши бошлаган, аммо бу иш тугамасдан қолганди. Мирзо Султон Абусаид сўради: «Бу ишни охирига етказа оладиган бирон одам борми?». Ҳалқ орасида Мавлоно Султонали шуҳрат қозонгани учун у ҳақда аргза етказиши: «Шу кунларда бир ёш йигит ном чиқарган. У шубу масъулиятли ишни үддаламоги мумкин». Мавлоно Султоналини келтириб, (унга) мавлоно Жаъфар кўчириб тугатишига ултурмаган китобни кўрсатиши. Мавлоно Султонали дарҳол рози бўлди ва бир кисмини кўчиргач, Султон Абусаиднинг мулизимларидан бўлган машҳур ҳаттот Мавлоно Азҳарга кўрсатди. Мавлоно Азҳар ғазабланиб бақирид: «Шунака услугуб билан Мавлоно Жаъфарнинг «Хамса»сини тамомламоқчимисан?» У Султоналини бандга солдириб, товонларига таёқ билан урдирди ва икки кун бандда саклади. Сўнгра хибсдан чикартириб келтириди ва унга деди: «Ўғлим, сенинг катта қобилияting бор. Аммо ҳатинг ясамадир. Насхи таъликнинг услуги унака эмас». Кейин унга бир китъяни бериб: «Мана бу услубда ёзиш керак», – деди. Мулло Султонали Машҳадийнинг ўзи шундай деганди: «Бу қитъяни олиб бориб машқ қилдим. Машқлардан сўнг насхи таълиқ услуги қанакалиги менга аён бўлди. Бунгача ҳаттимда услугуб йўклигидан огоҳ эмасдим ва унинг пишиқ-пухта ва тозалитидан мағурланиб юардим. Услубиз ҳатни эса ҳат демаса ҳам бўлади».



Бугунги кунда мулло Султонали Машҳадийдан шунчалик миқдорда асарлар колганки, унга ақп бовар этмоги мушкулдир. Оламдаги мамлакатларнинг кўччилигидаги қалам ахли орасида унинг бирон китъаси ёки кўчирган китобига эга бўлмаган киши кам топилса керак. Жаҳондаги подшоларнинг кутубхоналарида мулло Султонали Машҳадий кўчирган бир-иккита китоб бўлмаса, уни кутубхона деб ҳисоблашмайди. Бу ҳол ажойибдир.

Мусаввирлар зикри

Мусаввирлардан бири Шоҳ Музаффар бўлиб, у устод Мансурнинг ўғли эди. Султон Абусаид замонида устод Мансурдан яхшироқ мусаввир йўқ эди. Мўйқалами ингичка ва нозик бўлиб, Шоҳ Музаффардан бошқа ҳеч кимнинг мўйқалами уникига тенглашолмасди. Олишув манзараларини фоят пухта ишлаган, аммо Шоҳ Музаффар бу соҳада ундан кўп маротаба ўзиб кетган. Шоҳ Музаффарнинг мўйқалами фоят нозик, соф, нафис ва пишик бўлиб, бўёклари томошибиннинг кўзини қамаштиради. У йигирма тўрт ёшида вафот этиди ва ўз умри мобайнида саккизта гўпламни тамомлашга улгарди. Баъзи одамларда унинг чала қолган расмлари ҳам топилади ва бу санъат устозлари уларни фоят кадрлашади.

Камолиддин Беҳзод мусаввирларнинг устози эди. Унинг кўли Шоҳ Музаффарничилик нозик бўлмаса-да, лекин қалами уникидан пишикроқ, чизган расмининг тарҳи ва тузилиши уникидан афзалроқ эди.

Эски замонларда Ирок подшолари бўлган ҳалокуҳонлар суполаси даврида Хожа Абдулҳай деган киши яшаб ўтган. Бу санъат ахлининг эътиқодига қараганда, у валий бўлган экан. Умри охирида тавба қилиб, қаердаки ўз ишларини топса, уларни ўчирган ёки кўйидириб ташлаган экан. Шу сабабли иншадидан факат озгинаси сақланиб қолган ва фоят ноёбидир. Мўйқаламининг соғлиги, нозиклиги ва пишиклиги ҳамда тасвирий санъатининг барча сифатлари жиҳатидан унга ўхшаш бошқа одам дунёга келмаган. Хожа Абдулҳайдан кейин Шоҳ Музаффар ва Беҳзод бўлиб, улардан кейин то бизнинг кунларгача уларга тенг келадиган бошқа киши пайдо бўлмади. Уларнинг хар иккаласини Мир Алишер тарбият қилган.

Мавлоно Мирак наққош замон ажойиботларидан бири бўлиб, Беҳзоднинг устози ҳисобланади. Расмлари тарҳининг асоси Беҳзодницидан пухтароқдир. Ишининг бажарилиши Беҳзодничилик бўлмаса-да, ўзининг барча ишларини дуч келган жода – сафарда ва манзилда, Мирзо Ҳусайн хузурида, уйда ёки очиқ ҳавода бажарган ва ҳеч қачон ҳужра ва қозоғликка боғланиб қолмаган. Шуниси ажабланарлики, ушбу барча машғулотлар билан бирга ҳар турли пахлавонлик машқларини ҳам бажарарди, улар тасвир чизиш ва наққошлик касбига мутглақо зид эди. Кўпроқ тўкмок уриш ва бошқа шу каби пахлавонлик машқлари билан шуғуллангани учун худди шу мавзуга оид қизиқарли расмларни жамъ қилгани билан шуҳрат қозонган.

Яна бир мусаввир устоз Бобо Ҳожидир. Унинг мўйқалами яратган тасвиirlар пишик, аммо асоси номутаносиброк. Бутун Ҳурасонда тарҳ, нақш ва бурчакли шакллар чизишида тенг йўқ эди. Айтишларича,

бир мажлисда хунарини кўрсатиш учун элликта ярим айлана чизган. Паргор билан текширилганда, улар бир-биридан фарқ қилмаган, яъни бири бошқасидан қилчалик ҳам катта ёки кичик бўлмаган.

Мавлоно Дарвиш Муҳаммад каминанинг устози ва Шоҳ Музаффарнинг шогирдидир. Мўйқалами ингичкалиги жиҳатидан тенги йўқдир, хатто Шоҳ Музаффардан ўзиб кетган, аммо тасвирда мутаносиблик, пишиқлик ва гўзалик тарафидан олишув манзараларини анча хом ишлаган. У найзаси уида шерни кўтариб турган суворий тасвирини шу қадар майда қилиб чизганки, бунинг барчасини битта туруч билан бекитса бўлади.

Муғаннийлар зикри


Улардан бири Хофиз Басирдир ва барчанинг фикрига кўра унга ўхшаш муғаний бўлмаган. Шундай овозалар борки, у бир куни баҳорда боғда шеър ўқиганида булбул, мусича ва саъва каби кушлар унинг атрофида йигилиб, боши ва елкасига кўниб олишган.

Хофиз Ҳасанали унинг шогирдидир. Баланд овози бор эди. Мураккаб ва мазмундор ашулаларни фоят латиф кўйларди.

Устод Сайид Муҳаммад Фижжаки ва Мазҳар Удий ғижжак ва унда моҳир эдилар, аммо устод Кулмуҳаммад иккаласини ҳам ҳар икки созда ортда қолдириларди. Унинг беназир кўйлари бор.

Яна бири устод Шайхи Нойидир. У барча созларни бошқа жамики устодлардан яхшироқ чаларди, аммо най ўзининг асосий соҳаси бўлгани учун, най чалиш билан машхур эди.

Шундай қилиб, барча фозиллар, санъаткорлар ва ихтирочилар орасида беназир ва ўхшаш бўлмаган кишилар бор эди. Уларнинг барчасининг шархини баён қилиш мушкулдир. Ҳурасондаги бутун фазл ва санъат ахли Мир Алишер Навоининг саъй-харакати ва тарбиятни натижасида юзага чиқкан.



particular interest. As the other historians of the time Muhammad Haydar outlines that in the centre of the cultural life of Hurasan was Alisher Navoi, who supported and encouraged many talented people in the spheres of science, arts and literature. Muhammad Haydar highly estimated not only the literary activities of Navoi, but also his charity.

Muhammad Haydar writes about famous calligraphy master Sultanali Mashhadie who rewrote huge amount of books. Among the painters he gives interesting information about Kamaliddin Bekhzad, Shah Muzaffar, Baba Hadji, Hadja Abdulhay, Mavlono Mirak, who conquered the world with their beautiful graphic works.

He also writes about singers' art. They say that even birds kept silence, when they sang. There were no equals to the musters like: Muhammad Gidjakiy, Mazhar Udiy, Kulmuhammad, Shaihi Noiy.

Alisher Navoi supported the development of all kinds of arts in Hurasan. He not only encouraged talented people, but also supported them financially, creating conditions for their creativity.

"History of Rashidi" is highly estimated by the scholars of the world. V.V. Bartold wrote: "The work of Mirzo Haydar in many cases reminds historical notes of his cousin Babur. They also true and unbiased, as Babur's memoirs. The geographical descriptions of the place are vivid and bright".

The Work of Mirzo Haydar Muhammad is translated into many languages. In the 19th century Denison Ross translated it into English and published it in 1895. It was revised and re-published in 1972. In 1985 it was translated into Chinese and published in China. In 1996 an american orientalist V.M.Takson at the Harvard University Press issued the "History of Rashidi" in two volumes (one in Persian, and the other in English). The same year in Tashkent, the native city of Mirzo Haydar, his work was translated into Russian by A.Urinbaev, R.Djalilov and L.Yepifanova. At the present time they prepare to publish the translation into Turkic language, which was made by Hodja Muhammad Sharif in the 19th century.

The original of the book in Persian is being kept in the stock of the Oriental Studies Institute named after Abu Rayhan Beruni.